



FIGHTING CORRUPTION IN THE FIELD OF MIGRATION: INTERNATIONAL PRACTICE AND FOREIGN EXPERIENCE

Zufarov Farkhod Makhmadzhanovich

Head of the Department for Protection of Citizens' Rights and Freedoms of the Prosecutor General's Office of the Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14242215>

ARTICLE INFO

Received: 24th November 2024
Accepted: 28th November 2024
Online: 29th November 2024

KEYWORDS

Migration, corruption, international experience, Russia, European Union, CIS, legislation, social protection, state policy, violations.

ABSTRACT

This article analyzes international practices and foreign experiences in combating corruption in the migration sector. It examines the measures taken to reduce corruption in migration processes in the Russian Federation and the European Union countries, as well as the existing challenges they face. The focus is also on migration flows among CIS countries, their regulation, and recommendations for combating corruption. The article emphasizes the difficulties in managing migration processes and the underlying causes of corruption.

МИГРАЦИЯ СОҶАСИДАГИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ: ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Зуфаров Фарҳод Махамаджанович

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини
ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14242215>

ARTICLE INFO

Received: 24th November 2024
Accepted: 28th November 2024
Online: 29th November 2024

KEYWORDS

Миграция, коррупция, халқаро тажриба, Россия, Европа Иттифоқи, МДХ, қонунчилик, ижтимоий ҳимоя, давлат сиёсати, қонунбузарлик.

ABSTRACT

Ушбу мақола миграция соҳасида коррупцияга қарши курашишнинг халқаро амалиёти ва хорижий тажрибасини таҳлил қилади. Мақолада Россия Федерацияси ва Европа Иттифоқи мамлакатларида миграция жараёнларида коррупцияни камайтириш чоралари ва мавжуд муаммолар ўрганилади. Шунингдек, МДХ давлатлари ўртасидаги миграция оқимлари, уларни тартибга солиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича тавсиялар қўриб чиқилади. Асосий эътибор миграцион жараёнларни бошқаришдаги қийинчиликларга ва коррупциянинг сабабларига қаратилади.



Барча мамлакатларда миграцион жараёнларни тартибга солиш ҳуқуқий ва ташкилий воситаларни ишлатиш орқали амалга оширилади. Бошқа давлатлардаги миграциянинг тартибга солиниши ва коррупцияга қарши курашиш амалиётини ўрганиш, уларнинг ютуқлари ва камчиликларини таҳлил қилиш бизнинг миллий қонунчилигимиз тизимини яхшилаш имкониятини беради.

Совет Иттифоқи тарқалган 1991 йилдан кейин Россия Федерациясига собиқ иттифоқ давлатларидан кўплаб мигрантлар кела бошлади ва Россия миграцион оқимларнинг марказига айланди. Шу боис, ҳукумат ушбу жараённи тартибга солиш учун мураккаб чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишига тўғри келди.

Охирги 10 йилда Россия ташқи миграция соҳасида дунёнинг энг кучли 5 та давлатидан бирига айланди: 17 миллиондан ортиқ фуқаро мамлакатга келди ва шуларнинг 15.7 миллиондан ортиғи расмий мигрант сифатида рўйхатга олинди. 2019 йилдан бошлаб Россия Федерациясининг чегара тузилмалари мамлакат ҳудудига кириб келган шахсларнинг ҳисобини олиб боришни бошлади.

Экспертларнинг фикрича, 2030 йилга келиб Россияда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 11 миллионга камаяди. 2020 йилнинг январь-июль ойларида миграцион рўйхатда турган чет эл фуқароларининг сони 10,8 млн. нафарни ташкил этган (2019 йилнинг шу даврида 6,2 млн.). Шу даврда 136,6 минг (75,3 минг) нафар фуқаролиги бўлмаган ва чет эл фуқароларига вақтинча яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилган.

2015 йилда расмийлаштирилган вақтинча яшаш гувоҳномаларининг 80 фоизи қуйидаги 6 та мамлакатдан келган мигрантларга тўғри келади: Украина (306 минг нафар ёки 29 фоиз), Ўзбекистон (138 минг нафар ёки 13 фоиз), Арманистон (116 минг нафар ёки 11 фоиз), Тожикистон (100 минг ёки 10 фоиз), Қозоғистон ва Озарбайжон (85 минг нафардан ёки 8 фоиз).

Маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь ойида Россия ҳудудида қарийб 10 миллион нафар чет давлат фуқаролари турли муддатлар давомида яшаб келган. Шундан 38 фоизи ёки 3.7 миллион нафар шахс Россияда бир йилдан ортиқ муддат давомида яшашган.

Собиқ Совет Иттифоқи давлатларидан мигрантларнинг кўчиб келиши натижасида аҳоли сонининг ортиши Россия учун муҳим аҳамият касб этган. 1991 йилдан 2015 йилга қадар қонуний миграция ҳисобига Россиянинг аҳолиси 7.5 миллионга кўпайган. Мутахассислар таҳлилига кўра, 2015-2020 йилларда мигрантлар ҳисобига Россия Федерацияси аҳолиси 1 млн. 142 минг нафарга кўпайган. 2018 йилда ишлаш учун келган мигрантлар сони 4.8 млн.га етган ва бу рақам ҳозирда ҳам ортишида давом этмоқда. 2018 йилда Россия Федерацияси бюджетига қонуний ишлаш учун рухсатнома бериш орқали 57 млрд. рублдан ортиқ маблағлар келиб тушган.

Россия Федерациясининг давлат миграцион сиёсати концепциясига кўра, миграция соҳасидаги давлат сиёсати асосий мақсадларидан бири, давлат хавфсизлигини таъминлаш ва миллий меҳнат бозорини ҳимоя қилишдан иборат. Шунингдек, рус миллатига мансуб хорижий фуқаролар ва рус жамиятига мослашиш имконияти юқори бўлган аҳолининг Россияга кўчиб келишига шароит яратиш, ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни яратиш ҳам муҳим мақсадлардан биридир.



Бу маълумотлардан келиб чиқиб, Россия Федерациясининг стратегик мақсади – мигрантлар ҳисобига аҳоли сонини кўпайтириш бўлиб, бу мамлакатнинг ички ресурслари етарли эмаслигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларига кўра, миграция тизимини тартибга солишдаги муаммолар шуларни ўз ичига олади: коррупция, ноқонуний миграция, норасмий бандлик, мигрант оила аъзоларининг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ қонундаги бўшлиқлар, ижтимоий ҳимоя, ҳуқуқий ёрдам, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимлари имкониятларидан фойдаланишдаги тўсиқлар, фуқароликни олишдаги қийинчиликлар ва халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллашдаги муаммолар.

"Мигрант" тушунчасига қонунчилик ҳужжатларида аниқ таъриф берилмаган, шунинг учун миллий қонунчиликда "Чет давлат фуқароси" ва "Хорижлик ишчи" тушунчалари асосида мигрантлар, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари акс эттирилмоқда.

Россия Федерациясининг 25.07.2002 йилдаги "Россия Федерациясидаги чет давлат фуқароларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида"ги қонунига кўра, хорижий ишчи – қонуний асосда Россия Федерацияси ҳудудида яшовчи ва пуллик меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи чет давлат фуқаросидир.

Меҳнат мигранти тушунчаси умумқабул қилинган стандартларга асосланиб, у хорижий мамлакатда иш ҳақи учун меҳнат фаолиятини амалга оширадиган шахсни англатади. Бу қоида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 18.12.1990 йилда қабул қилинган ва 01.07.2003 йилда кучга кирган "Барча меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Халқаро конвенцияда мустаҳкамланган.

Россия Федерацияси 11.07.2011 йилда "Меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида"ги келишувни ратификация қилди. Ушбу келишув 19.01.2010 йилда Россия, Белоруссия ва Қозоғистон ўртасида имзоланган ва 26.07.2011 йилда кучга кирган. Келишувга кўра, мазкур давлатлар ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун келувчи фуқароларга махсус рухсатнома талаб қилинмайди. Ушбу фуқаролар маҳаллий меҳнат бозори ҳимояси учун белгиланган чекловлар доирасида ҳисобга олинмасдан меҳнат фаолиятига жалб қилинади.

Россия Федерацияси ҳукуматининг 23.11.2019 йилдаги 2793-сонли фармойишига кўра, 2020 йилда вақтинчалик яшаш учун 60270 та квота ажратган, бу эса олдинги йилга нисбатан 23210 тага камдир. 2019 йилда умумий квота 83480 та бўлган, 2018 йилда 90360 та, 2017 йилда эса 110880 та квота ажратилган.

Квота ажратиш жараёнида йилдан йилга камайиш кузатилмоқда ва ҳар йили вақтинча яшаш учун квота олиш жараёни қийинлашмоқда. Бу эса коррупция ҳолатларининг пайдо бўлишига олиб келади, чунки ажратилган квоталар ҳар бир мигрантга етмайди. Мисол учун, баъзи ҳудудларда квоталар январь ойида тақсимланиб, март ойида ишлашга келган мигрантлар коррупцион омилларга мурожаат қилишга мажбур бўлишмоқда.

Коррупцион хавф-хатарлар шундаки, мигрантларга кўрсатиладиган давлат хизматлари тақчиллик туғдириб, ушбу хизматларни кўрсатишда "савдолашиш" ҳолатларини келтириб чиқармоқда. Давлатнинг миграция сиёсати бошқарув



усулларига қараб ўзгариб, такомиллашиб бормоқда. Миграция турлари ва мигрантлар гуруҳлари жойлашган ҳудудларига қараб бошқарувнинг турли усуллари қўлланилиши тизимлиликни талаб қилади. Ноқонуний мигрантлар сонининг кўпайиши Россия Федерациясида миграция жараёнлари устидан давлат бошқарувининг самарасизлигини кўрсатади¹.

Миграция жараёнларини бошқариш ва унинг шакллари, усуллари билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида миграция соҳасида давлат бошқарувини самарали равишда амалга ошириш ва коррупцион хавфларни камайтириш зарурлиги аён бўлади. Россия Федерациясининг миграция жараёнларини бошқаришдаги асосий мақсадлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, аҳоли сонининг ошиши, шунингдек, аҳолининг ва давлатнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилишни ўз ичига олади.

Россия миграция жараёнларини тартибга солишда ҳуқуқий, ахборот-таҳлилий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа воситалардан фойдаланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳукумат қарорлари бу жараёнларни тартибга солишда асосий ўринни эгаллайди.

Россия Федерациясидаги мигрантларнинг ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мигрантларнинг ҳуқуқий мақоми Россия Федерацияси фуқароларидан фарқли бўлиб, чекловлар ва мажбуриятларга эга;
- мигрантнинг ҳуқуқий мақоми муддатли характерга эга бўлиб, Россия ҳудудидаги мавжудлиги даврида амал қилади. Давлат ҳудудини тарк этганида мигрант барча ҳуқуқларидан ва мажбуриятларидан халос бўлади;
- миграция қонунчилигини бузган шахсларни давлат ҳудудидан депортация қилиш ёки мажбурий чиқариш тартиби белгиланган. Агар мигрант мажбурий чиқариш давомида икки ёки ундан ортиқ маъмурий жарималарни тўламагани аниқланса, унинг давлат ҳудудига киришига 3 йиллик таъқиқ ўрнатилади.

Европа давлатларининг тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, ҳозирги пайтда Европа ўзининг демократик кадриятлари ва эркинликка садоқатини сақлаш, адолат ва озодликни таъминлаш билан бирга, фуқароларини терроризм ва миллатчи партияларнинг кучайиб бораётган хавфларидан ҳимоя қилиш вазифаларида турганини кўриш мумкин.

БМТ маълумотларига кўра, 2015 йилда 1 миллиондан ортиқ мигрантлар Ўртаер денгизи орқали Европага кирган. 2016 йилда бу рақам 363 минг, 2017 йилда 172 минг ва 2018 йилда 105 минг нафарни ташкил қилган. 2019 йилдаги маълумотларга кўра, 20 дан 64 ёшгача бўлган 191,5 миллион ишчи ёшидаги одамлардан 8,8 миллион нафари ёки 4,63 фоизи Европа Иттифоқига кирмайдиган давлатлар аҳолиси бўлган.

Европа Иттифоқининг ички ишлар бўйича комиссарининг фикрига кўра, Европа Иттифоқи давлатларида коррупция даражаси ортган. Шунга қарамасдан, Европа Иттифоқи коррупцияга қарши курашишда халқаро тажрибага эга. Агар Россия Федерацияси ва Европа Иттифоқи давлатларининг коррупцияни англаш рейтинги

¹ Белогорцев А. Н., Макарова Л. И. Правовые аспекты противодействия незаконной миграции и коррупции как угрозам национальной безопасности Российской Федерации //Закон и право. – 2018. – №. 3. – С. 179-181.



билан солиштирилса, Европа Иттифоқи давлатлари юқори натижаларга эга бўлганини кўриш мумкин. 2020 йилги рейтингга кўра, Россия коррупцияни англаш даражаси бўйича 180 давлатдан 129-ўринни эгаллаган. Европа Иттифоқи давлатлари эса ушбу рейтингдаги биринчи бешталикдан учта ўринни эгаллаган (1-ўрин Дания, 3-ўрин Финляндия, 5-ўрин Швеция).

Тадқиқотларга кўра, Европа Иттифоқидаги энг коррупциялашган давлат 2015 йилда Греция бўлган. Бу ҳолат шунга ишора қилдики, Европа Иттифоқи давлатларида иқтисодий ривожланиш даражаси баланд бўлгани сари коррупция даражаси паст бўлади. Нисбатан камроқ ривожланган иқтисодиётга эга давлатларда коррупция даражаси юқори бўлиши кузатилган². Масалан, 2012 йилдан 2020 йилгача Греция коррупцияни англаш даражасида 14 поғона кўтарилди, 59-ўринни эгаллаган.

Европа Иттифоқи давлатларида миграция соҳасидаги коррупциявий ҳолатларни аниқлаш учун турли воситалар қўлланилади, жумладан, мигрантлар ўртасида мансабдор шахсларга пора берганлик ёки бошқа моддий манфаатдорликлар ҳақида сўровлар ўтказиш, полицияга йўлланган мурожаатлар ва ноқонуний мигрантлар сонининг ошиши билан аниқланади³.

Мигрантларни ноқонуний олиб кириш бизнеси биринчи марта 1997 йилда олимлар Дж.Солт ва Дж.Штейн томонидан илмий адабиётларда кўрсатилган. Шу вақтдан бери хорижий тадқиқотчилар 654 нафар шахснинг бу жиноий фаолият билан шуғулланишини таҳлил қилган. БМТ ҳужжатларида бундай шахсларнинг 5 тоифаси белгиланган: ташкилотчилар, рекрутерлар, ташувчи/гидлар, коррективчиликчилар/ҳайдовчилар ва етказиб берувчилар.

Миграция соҳасида коррупция уюшган жиноятчилик билан чамбарчас боғлиқдир. Жиноий гуруҳларнинг Европа Иттифоқи давлатларига ноқонуний мигрантларни олиб боришлари ва одам савдоси коррупцияга мойил мансабдор шахслар ва давлат хизматчилари иштирокисиз амалга ошмайди. Шу сабабли, тадқиқотчилар ушбу соҳада коррупцияга мойил давлат хизматчилари (иммиграцион хизматчилар) атамасини кенг қўллашади⁴.

Миграция оқимларини "синфлаштириш" амалиёти мавжуд бўлиб, бу амалиётда муайян давлат ёки ҳудуддан мигрантларни жалб қилиш учун жиноий марказлар ташкил этилади. Бу марказларда мигрантларнинг ҳаракат йўналишлари, қабул қилиш ва тарқатиш пунктлари ҳамда бошқа тизимлар ишлаб чиқилиб, ноқонуний йўллар орқали белгиланган манзилга етказиш амалга оширилади. Мисол учун, Туркия ва

² Uri Dadush & Mona Niebuhr, 2016. "The Economic Impact of Forced Migration," Research papers & Policy papers 1605, Policy Center for the New South.

³ Andrea Bernini & Laurent Bossavie & Daniel Garrote-Sánchez & Mattia Makovec, 2024. "Corruption as a push and pull factor of migration flows: evidence from European countries," Empirica, Springer; Austrian Institute for Economic Research; Austrian Economic Association, vol. 51(1), pages 263-281, February.

⁴ Louise Shelley, Human Smuggling and Trafficking into Europe: A Comparative Perspective, Migration Policy Group (MPG), February 2014, <https://www.refworld.org/reference/themreport/mpg/2014/en/98219> [accessed 05 September 2024]



Сербиядан Европа Иттифоқига мигрантларни олиб кириш йўллари контрабанда йўналишлари орқали амалга оширилади⁵.

Европа Иттифоқида коррупцияга қарши курашиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга оширилади, бу органлар орасида полиция, прокуратура, суд ва Европол каби ташкилотлар мавжуд. Европа Иттифоқи коррупцияга қарши сиёсатни белгилайди, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва стратегик дастурлар қабул қилади ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг самарадорлигини мониторинг қилади. Шунингдек, Европарламент коррупцияга қарши курашиш учун молиявий маблағлар ажратади.

Европада коррупциянинг бир хусусияти шуки, маиший даражада коррупция деярли учрамайди. Европа Иттифоқида коррупция кўпинча олий ва ўрта даражадаги давлат органларида кузатилади, Россия Федерациясида эса коррупция барча даражадаги органларда тарқалган.

Европа Иттифоқида ноқонуний миграция масаласига жиддий ёндашилади. Миграция жараёнларини тартибга солувчи қонунчилик халқаро ҳуқуқ, Европа Иттифоқи ҳуқуқи ва алоҳида давлатларнинг қонунчилик тизимларига асосланади. Тадқиқотчиларга кўра, Европа Иттифоқида коррупция хавфининг ўсишида юқори коррупция даражасига эга Европа давлатларидан келган мигрантлар асосий сабаб бўлади.

Масалан, Швеция давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги билан танилган бўлсада, Еврокомиссия томонидан мигрантларга шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бериш ва яшаш жойи тақдим этишда коррупцион ҳолатлар аниқлангани учун танқид қилинган.

Камбағал давлатлардан келган чет эл фуқаролари кўпроқ коррупцияга мойил бўлади, чунки улар яшайдиган давлатларда ижтимоий хизматлар ва ресурслар учун ноқонуний тўловларни амалга оширишга мажбур бўлишади. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва турар жой тақсимотидаги суиистеъмолчилик, жинсий зўравонлик ва порахўрлик – мигрантларнинг Европа давлатларида дуч келиши мумкин бўлган асосий муаммолар ҳисобланади. Коррупция даражаси мигрантларнинг келиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, қабул қилувчи давлатларда мигрантларга қўйилган талабларнинг юқорилиги коррупцион ҳолатларнинг содир этилишига сабаб бўлади.

Ривожланган давлатларда коррупция кўпроқ ошна-оғайнигарчилик, ноқонуний таъсир қилиш ва лоббизм каби турларда кузатилади. Масалан, таниш-билиш ёки қариндошларини ишга қабул қилиш, бир марталик нафақалар тўланиши каби ҳолатларда коррупцияга йўл қўйилади. Ижтимоий нормаларга кириб қолган мигрантларнинг коррупцион хулқ-атвори бошқа давлат ҳудудига келганидан кейин ҳам давом этади⁶.

Европа Иттифоқи давлатларида миграция жараёнларини таҳлил қилиш шундан иборатки, қонуний миграцияни амалга ошириш қийин бўлган давлатларда ноқонуний

⁵ FARGUES, Philippe, BONFANTI, Sara, When the best option is a leaky boat : why migrants risk their lives crossing the Mediterranean and what Europe is doing about it, Migration Policy Centre, Policy Briefs, 2014/05 - <https://hdl.handle.net/1814/33271>

⁶ Koser, K. (2010). *Dimensions and dynamics of irregular migration*. Population, Space and Place, 16(3), 181-193.



миграция кузатилади. Бу ҳолда, сохта ҳужжатларни тайёрлаш, давлатдан айланма йўллар орқали чиқиш ёки кириш каби усуллардан кенг фойдаланилади. Масалан, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларидан Европа давлатларига мигрантларни етказиш хизматининг нархи ўртача 3000 АҚШ долларини ташкил қилади. Бу сумманинг ярмини мигрантларни қабул қилувчи давлатлар чегара хизмати ходимларига бериш талаб қилинади, бу эса мигрантларнинг белгиланган манзилига етиб боришини таъминлайди. Агар қонуний миграцияни амалга ошириш имкони бўлмаса, давлат хизматчиларини сотиб олиш ҳолатлари кўпайиши мумкин.

Оммавий миграциянинг асосий йўналишларида бўлган транзитер давлатлар (масалан, Болгария, Венгрия, Греция, Италия, Македония, Марокаш, Сербия, Словения, Туркия ва Хорватия) халқаро стандартларга мувофиқ коррупцияга қарши курашиш чораларини қўллашлари зарур. Шу билан бирга Еврокомиссия томонидан Грецияга миграцион инқироз билан курашиш учун тақдим қилинган 1,6 миллиард фунт стерлинглик молиявий ёрдамнинг нотўғри тақсимланганлиги текширилди.

Европа давлатлари демократик институтлар ва давлат бошқаруви органларининг шаффофлиги билан ажралиб туради, лекин уларда ҳам коррупция ҳолатлари мавжуд. Коррупцияга кўп аралашувчи ташкилотлардан бири Европа Иттифоқи давлатларининг чегара хизматлари ҳисобланади. Улар ноқонуний мигрантларнинг давлат чегарасини босқичма-босқич ўтишлари ёки чўкиб кетган мигрантларни қирғоқ ҳудудларидан қутқариш операцияларини амалга ошириш билан шуғулланади.

Европа Иттифоқи давлатларидаги миграция органлари коррупция хавфларини таҳлил қилиб, коррупция ҳолатларини олдини олиш ва профилактика ишларини амалга оширади. Коррупцияга мойил соҳалар ва лавозимларнинг таҳлили ҳамда коррупция ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни йиғишда назорат органлари муҳим рол ўйнайди.

Европа Иттифоқи давлатларидаги миграция органлари ходимларининг психологик тайёргарлиги бошқа органлардан фарқ қилиб, ҳар бир хизматчи ўз фаолиятида ноқонуний ҳаракатларни аниқлашга ва бу ҳақда раҳбариятга хабар беришга тайёр бўлади. Ушбу хабарлар учун қонун билан белгиланган пуллик мукофот ҳам мавжуд. Миграция хизматчилари орасида шаффофлик асосий принцип сифатида қўлланилади. Мигрантлар ҳам таъмагирлик ҳолатлари ҳақида полицияга хабар бериш ҳуқуқига эгалар. Шунингдек, Европа Иттифоқи давлатларининг фуқаролари анонимлик асосида коррупция ҳолатлари ҳақида хабар беришлари ва аноним хабарнинг рақамини кўрсатилган жавоб хатида олишлари мумкин.

Европа Иттифоқи давлатларида мансабдор шахслар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус стандартлар ишлаб чиқилган. Бу стандартлар мансабдор шахсларнинг ҳалоллиги, манфаатлар тўқнашувини тўғри баҳолаш, сотиб олишга уринишлар ҳақида хабар бериш мажбурияти, мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракатларининг қонунийлигини текшириш имконияти ва коррупция ҳолатларида хабар бериш учун жавобгарликдан озод қилиш имкониятларини ўз ичига олади. Бу қоидалар миграция органлари ходимларига ҳам татбиқ қилинади.

Шу тариқа, Европа Иттифоқи давлатлари коррупцияга қарши курашишда умумқабул қилинган усул ва воситалардан фойдаланмоқда. Аммо коррупцияни



бутунлай йўқ қилиш ҳали ҳам жуда мураккаб вазифа. Европадаги коррупция даражаси Россия Федерациясидагига нисбатан камроқ, ва баъзи Европа давлатлари коррупцияни минимал даражага туширишда муваффақиятга эришган.

Турли манбалардан олинган маълумотларга кўра, Европа Иттифоқи давлатларида коррупция даражасининг пасайишига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

- оммавий ахборот воситалари ва ривожланган фуқаролик жамияти институтлари мавжудлиги;
- мансабдор шахслар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ошкоралиги ва аниқлиги, кўпчилик норматив ва қонун ҳужжатларининг очиқлиги;
- Суд ҳокимиятининг сиёсий, молиявий ва кадрлар масалаларида ижро ҳокимиятидан мустақиллиги, коррупцияга қарши курашишда ваколатли органлар билан ҳамкорлик қилган шахсларнинг ҳимояси;
- ихчам маъмурий бошқарув тизими ва бюрократиянинг камлиги, ошна-оғайнилар ва табақаланишнинг деярли йўқлиги.

Россиянинг иқтисодиётида меҳнат ресурслари етишмаслиги сабабли МДХ давлатларидан келаётган мигрантлар оқими муҳим аҳамият касб этмоқда. МДХ давлатлари тарихан бир-бири билан боғлиқ бўлиб, визасиз кириш-чиқиш имконияти мавжудлиги туфайли улар Россия учун асосий миграция манбаи бўлиб қолмоқда.

Экспертлар фикрича, 2000 йилдан буён Қирғизстондан чиқиб кетган мигрантларнинг 85 фоизи, Тожикистоннинг деярли барча мигрантлари, Арманистоннинг 90 фоиз мигрантлари, Беларус, Озорбайжон ва Ўзбекистоннинг кўпчилик мигрантлари, шунингдек, Украина ва Молдаванинг 50 фоиз мигрантлари Россия Федерациясига келишган.

2014-2018 йилларда Россияга келган мигрантлар сони Озорбайжондан 9,3 марта, Арманистондан 14,4 марта, Молдовадан 6,7 марта, Тожикистондан 15,8 марта, Туркманистондан 2 марта, Ўзбекистондан 4,1 марта, Украинадан 10,1 марта, Беларусдан 2,6 марта, Қозоғистондан 1,7 марта, Қирғизистондан 3 марта кўпайган. Шунингдек, Россияга мигрантларнинг келиши Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари ҳисобига тезлашмоқда.

МДХ давлатларида миграция жараёнларини бошқариш ҳар бир давлатнинг ўз миграция сиёсатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. МДХ давлатлари ўртасида миграциянинг тартиб-қоидалари ва мигрантлар учун шартлар белгилаш мақсадида ҳамкорлик ўрнатилган. Бу давлатлар миграция оқимларини самарали бошқаришга ҳаракат қилишади⁷.

Ҳар бир МДХ давлатининг миграция жараёнларини бошқариш учун ўз модели мавжуд бўлсада, ижобий натижаларга эришиш учун барча давлатлар учун ягона концепция ишлаб чиқиш зарур. Бу давлатлар бир-бири билан боғлиқ бўлган шароитда яшаши туфайли, миграция жараёнларини алоҳида бошқариш натижа бермаслиги мумкин. Шу боис, "Евроосиё тизими" каби интеграциялашган тизимларни жорий қилиш миграция жараёнларини бошқаришда самарали бўлиши мумкин.

⁷ Уткин В. А. Миграция и коррупция как системная проблема во взаимоотношениях России со странами СНГ //Безопасность бизнеса. – 2016. – №. 3. – С. 60-63.



МДХ давлатларида миграция жараёнларини бошқариш икки ва кўп томонлама асосларда амалга оширилади. Бу асослар давлат бошқаруви механизмларидан фойдаланиш ва қонунийликни таъминлашга қаратилган.

Барча МДХ давлатларида миграция жараёнларини бошқаришда Россия моделидан фойдаланиладиган миграция органлари мавжуд. 2007 йилда МДХ давлатлари миграция органлари раҳбарларининг кенгаши ташкил этилган. 2013 йилда эса бу тузилма коррупцияга қарши давлатлараро кенгашга айланган, аммо ундан аниқ натижалар олинмаган. Бу ташкилотнинг самарасизлигининг асосий сабаби унинг фақат қоғозда мавжудлиги ва амалдаги аниқ чора-тадбирларнинг йўқлиги билан боғлиқ.

2017 йилда МДХ давлатларининг коррупцияга қарши курашиш концепцияси қабул қилинган, аммо бу ҳужжатда миграция соҳасида коррупцияни камайтиришга қаратилган чоралар кўрсатилмаган.

Шу билан бирга, Россияга меҳнат ресурсларини етказиб бериш бўйича донор давлатлар миграция сиёсатини миллий қонунчилик тизими орқали бошқариш стратегияларини ишлаб чиқишган. МДХ давлатлари ўз фуқароларини Россияга кетишдан олдин касбий тайёргарликка ўргатиш ва Россияда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун чоралар кўрмоқда.

МДХ давлатларида миграция бошқарувининг икки асосий модели мавжуд: биринчиси - Ўрта Осиё ва Кавказ мамлакатларига хос бўлса, иккинчиси - Россия ва қисман Қозоғистонга хос.

Миграция жараёнларини самарали бошқариш талаблари, МДХ давлатларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ўртасида ноқонуний миграция, одам савдоси ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси билан курашиш соҳаларида ҳамкорлик қилишни талаб қилмоқда. Тадқиқотчилар, МДХ давлатларининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда миграция оқимларини сақлаб қолиш ва сиёсий барқарорликни таъминлаш мақсадида визасиз режимни сақлаш кераклигига ишора қилмоқда.

МДХ давлатлари органлари миграция қонунчилиги ижросини назорат қилиш ва миграция соҳасида криминализацияга қарши курашишда самарали восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда, МДХ давлатларида ишчи кучларини жалб қилиш тизими самарадор эмас. Меҳнат мигрантлари патент олишади ва ойлик тўловларни амалга оширишади, аммо улар меҳнат шартномаси тузмасдан ишлашлари мумкин. Агар меҳнат шартномаси тузилса ҳам, иш берувчилар бу ҳақда солиқ ва миграция органларини хабардор қилмайди, натижада солиқлар ва ижтимоий тўловлар тўланмасдан, фаолият ярим қонуний шаклга ўтиши мумкин.

МДХ давлатларида коррупцияга қарши курашиш учун давлат-хусусий шерикчилик моделини ривожлантириш зарур. Меҳнат мигрантларини маҳаллий урф-одатларга мослаштириш билан фуқаролик жамияти институтлари ва маҳаллий маъмурият шуғулланиши мумкин.

МДХ давлатларида ноқонуний миграциянинг кенгайишига икки асосий омил таъсир қилади: миграция қонунчилигининг ижроси устидан назоратнинг йўқлиги



ҳамда иш берувчилар, ижарачилар ва мигрантларнинг масъулиятсизлиги билан боғлиқ кенг тарқалган коррупция.

МДХ давлатларида миграция соҳасидаги самарасизлик ва коррупциянинг асосий сабаблари қуйидагича турларга ажратилади:

- 1) Сиёсий сабаблар: юборувчи ва қабул қилувчи давлатлар ўртасида миграция сиёсатидаги қарама-қаршиликлар ва келишмовчиликлар;
- 2) Ҳуқуқий сабаблар: Россия ва МДХ давлатларининг миграция соҳасидаги қонунчилигидаги ноаниқликлар ва муайян тизимнинг йўқлиги;
- 3) Бошқарув сабаблари: Мигрантларнинг ижтимоий ҳимояси ва ҳуқуқларини таъминлашдаги кучсизлик, шунингдек, меҳнат мигрантларининг келиши билан боғлиқ кўплаб бюрократик тўсиқлар;
- 4) Ташкилий сабаблар: Миграция қонунчилигини бузилишига ва коррупцияга сабаб бўлувчи, юборувчи ва қабул қилувчи давлатларда мигрантларни иш билан таъминлашда "ўртакаш воситачилар"нинг мавжудлиги;
- 5) Ахборот-таҳлилий сабаблар: Давлатлар ўртасида мигрантлар сони ва уларнинг пул ўтказмалари ҳақида маълумот алмашинувининг мавжуд эмаслиги;
- 6) Маданий-демографик сабаблар: МДХ давлатларида рус тилини билиш ва мулоқот тили сифатида қўллашнинг камайиши.

Таҳлиллар натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- Россия Федерацияси мигрантларни жалб қилиш ва уларни рус жамиятига мослаштиришдан манфаатдор;
- меҳнат мигрантлари учун Россияда меҳнат бозорига кириш, ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш ва болалари учун таълим олиш жараёнлари қийинлашган. Тиббий хизматлардан фойдаланиш эса мигрантнинг ҳуқуқий мақоми, яшаш гувоҳномаси, меҳнат шартномаси ва мажбурий тиббий суғурта билан боғлиқ;
- миграция соҳасидаги куч воситаларидан фойдаланиш мигрантлар сонининг камайишига ва коррупция факторларининг сақланиб қолишига олиб келади;
- миграция соҳасида коррупция ўрта ва қуйи даражада сақланиб қолмоқда;
- Россияда миграция қонунчилиги кодекслаштирилмаганлиги давлат хизматларини кўрсатишнинг коррупциявий хавф-хатарлари сақланиб қолишини давом эттирмоқда;
- коррупциянинг асосий ҳолатлари мигрантларни ҳисобга олиш, патент бериш, вақтинчалик яшаш учун рухсатнома ва яшаш гувоҳномаси олиш жараёнларининг ёпиқ ва мураккаблиги ҳамда давлат хизматчиларининг қарор қабул қилишдаги ихтиёрийлиги билан боғлиқ.

Миграция жараёнларини самарали бошқариш тизими мигрантларнинг ҳуқуқларини тан олиш ва ҳимоя қилишга асосланиши шарт. Агар бошқарув самарасиз бўлса ва миграция жараёнлари устидан етарли назорат ўрнатилмаса, бу коррупциянинг ривожланишига ва давлат хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин. Коррупция миграция жараёнларини бошқаришдаги давлат механизмларининг бир қисми бўлмаслиги керак, давлат хизматчилари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун мигрантларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ ноқонуний фойда олиш йўлида иш олиб бориш мумкин эмас.



Глобал миқёсда миграция жараёнларини бошқаришда ЕИ ва Россиядаги таклифлар ҳали ўзини тўлиқ оқламаган ва такомиллаштириш жараёнида қолмоқда⁸.

ЕИ давлатларида ҳам миграция соҳасида коррупция ҳолатлари мавжуд, лекин Россиядан фарқли равишда ЕИда коррупция ўрта ва юқори даражада сақланиб қолган, қуйи даражада тўлиқ бартараф қилинган. ЕИ давлатлари коррупцияга қарши илмий ва амалий жиҳатдан курашиб, муайян натижаларга эришган ва ижро интизоми масаласида Россияга қараганда бир мунча юқори ҳолатдадир.

Миграция соҳасидаги долзарб муаммолар чет эл фуқароларининг ҳуқуқий мақомини белгилашдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритишни талаб қилади. Мигрантнинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш бунда камлик қилади, миграцион ҳуқуқбузарликлар содир этилганда, жараёнга алоқадор барча иштирокчиларнинг ваколатлари ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилиши керак.

⁸ Czaika, M. and de Haas, H. (2014), The Globalization of Migration: Has the World Become More Migratory?†. Int Migr Rev, 48: 283-323. <https://doi.org/10.1111/imre.12095>